

АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ИЖОДИЙ ҲУСИГА ХОСЛИК

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ,

академик Бобожон Гафуров номидаги ДТМ Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари номзоди (Тожикистон)

Эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20677235>

Аннотация. Мақолада Ҳормонали Курбоналиев шеърлари биринчи марта таҳлил қилинмоқда. Шоирнинг тўпламларидан жой олган “Имом ал Бухорий” достони, “Ўзбекистон” қасидаси, “Алишер Навоий”, “Эркин Воҳидов” ва “Кудук” каби шеърлари таҳлилига тортилди. Муаллифнинг панднома мазмунидаги тўртликларидан танлаб олинган айрим намуналар ҳам таҳлил қилинди. Шунингдек, шоирнинг газалнавислик маҳорати ҳамда шеърларининг асосий мавзулари анъана, янгилик ва маҳорат масалалари нуқтаи назардан кўзатилади. Шу билан бирга, унинг ижодидаги етакчи мавзулардан бири – тарихий шахслар сиймоси ҳақида дастлабки хулосалар тақдим этилди.

Калит сўзлар: анъана, таъсир, ҳусига хослик, маҳорат, газал, услуб, талқин, вазн, қофия.

Аннотация. В статье первые анализируются стихи Урманали Курбаналиева. Рассмотрены стихотворения «Имам аль-Бухари», «Узбек-истан», «Алишер Навои», «Эркин Воҳидов» и «Кудук» из сборников поэта. Также про-анализированы некоторые примеры поэтических произведений автора в контексте пандамы. Кроме того, лирическое мастерство поэта и основные темы его стихов рассмотрены с точки зрения традиции, воинственности и мастерства. В статье представлены предварительные выводы по одной из ведущих тем в творчестве поэта – образу исторических личностей.

Ключевые слова: традиция, влияние, своеобразие, талант, газель, стиль, сравнение, размер, рифма.

Annotation. This article analyzes Uрманали Kurbanaliev's poetry for the first time. It examines the poems "Imam al-Bukhari," "Uzbekistan," "Alisher Navoi," "Erkin Vohidov," and "Kuduk" from the poet's collections. Several examples of the author's poetry are also analyzed in the context of panda. Furthermore, the poet's lyrical mastery and the main themes of his poems are examined from the perspectives of tradition, militancy, and artistry. The article presents preliminary conclusions on one of the poet's leading themes: the image of historical figures.

Key words: tradition, follower, influence originality skill, ghazal, style, vazn, rhyme, radif, interpretation, emulate, comperative.

Амир Алишер Навоий: “Бу ҳаёт сахнида гул кўп, чаман кўп”, -дея лутф килган эди. Адабиёт ҳар бир давру замонда истеъдодли кишилар билангина қудратли кучга эга бўлган. Ижод аҳли борки, Ватан ва унинг истиқболлини тараннум этишни, инсон маънавиятини юксалтиришни ўзининг асосий вазифалардан бири деб билади. Шундай маслак билан яшаб, сўзни, шеърятни мукаддас деб билган ҳозирги адабий жараёнда ўз ўрнига эга бўлган



ижодкорлардан бири Ўрмонали Қурбоналиевдир. У ўзининг камтарона ижоди билан замонавий ўзбек шеърияти тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўрмонали Қурбоналиев 1954 йилнинг 2 августида Тожикистон Республикаси Гончи (Деваштич) туманининг Яхтан қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. 1971 йилда шу қишлоқдаги ўрта мактабни тугатиб, С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат педагогика институтининг тарих-филология факултетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими (ҳозирги академик Бобожон Ғафуров номидаги ХДУ ўзбек филологияси факултети)да таҳсил олган. Институтни 1975 йилда муваффақиятли тугатиб, педагогик фаолиятини бошлаган. Маълум муддат (1979 - 1982) вилоят ҳукумати органи “Ҳақиқати Ленинобод” (ҳозирги “Суғд Ҳақиқати”) газетасида ҳам фаолият олиб борган.

Ў. Қурбоналиев 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номли ўрта мактабда, 1999 йилдан эса Ширин энергетика коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Ўқув-услубий кўлламалари нашрдан чиққан. Ўзига ва бадиий ижодга доимо талабчанлик билан қараш унинг асосий фаолиятидан бири ҳисобланади. Ў.Қурбоналиев 70 ёш остонасига қадам қўйганида икки шеърий китобини ўқувчиларга тақдим этди. Шоирнинг “Тўрғай нега Бўзтўрғай?” ҳамда “Шукрона” (Тошкент: “Китоб нашр”, 2024 йил) китоблари Тошкентдаги нуфузли нашрётда чоп қилинди. Муаллифнинг “Онамни соғиндим, онамни” деб номланган учинчи шеърий тўплами эса яқин кунларда мухлислари қўлига етиб бориш арафасида.

Шу ўринда таниқли олим ҳамда ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “60-70 ёшларда олим дегани фарқ пишади, мўл-кўл ҳосил беради...”, деган гапи эсга тушади. Буни ижодкорлар фаолиятига ҳам бемалол нисбат бериш мумкин деб ўйлаймиз. Ўрмонали ака ҳам бугунги кунда бадиий ижодда “мўл –кўл ҳосил берадиган” паллада эканлигини таъкидлаш ўринли.

Ижод аҳли борки, дунё гўзалликларидан доимо ҳайратга тушади ва ўз туйғуларни ўзгаларга билан баҳам кўриш ниятида қўлига қалам олади. XX аср ўзбек шеъриятида рамзий ифода қироли (Асқар Маҳкам ибораси) дея эътироф этилган Шавкат Раҳмон шоирлар бахт сўзини ҳаммадан кейин айтиши керак деганида у биринчи галда халқни бахтли ва саодатли кўришни назарда тутган эди. Ёки давримизнинг донгдор шоираси Ҳалима Худой-бердиева эса

Шунчаки ёзмоққа бормади қўлим,

Шунчаки ёзмоқлик шоирга ўлим, -

деганида қанчалар ҳақ эди.



Агар Ў.Қурбоналиев ижодга назар ташланса, унинг ҳам шунчаки қалам тебратмаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айниқса, унинг ижодида тарихий шахслар тимсолини ёритишга алоҳида эътибор қаратилганлигини Ал Бухорий, Ал Форобий, Спитамен каби алломалар ҳаёти ва фаолияти ёритилган дostonлари мисолида кузатиш мумкин. Бундан ташқари, шоир ижодида халқ оғзаки ижоди анъаналари оҳангида яратилган туркум шеърӣй намулар ҳам бўлиб, улар алоҳида бадий қимматга эга. Шоирнинг “Тўрғай нега Бўзтўрғай?”, “Товуқ нега учолмас?”, “Инсон танаси аъзолари баҳси ҳақида ривоят”, “Ҳасад ёки олтин балиқ ҳақида янги ривоят эртак”ларининг ҳар бирида ҳаёт ҳақиқатлари акс этган сара ижод намуналари дейиш мумкин.

Ўрмонали Қурбоналиев ижодида устоз шоирлар анъанасининг давом этганлигини унинг ғазаллари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, мумтоз шеърӣятда ғазал ҳар бир давр адабиётда етакчилик қилиб келган. Ў.Қурбоналиевнинг ҳам бир туркум ғазаллари бўлиб, улар аруз вазнининг рамал ҳамда ҳажаз баҳрларида яратилган мумтозликка дахилдор бўлган ижод намуналари дейиш мумкин. “Шарф фан” (Алишер Навоӣй) дея эътироф этилган аруз шеърӣй тизимида қалам тебратиш замонавий адабиётда камдан – кам шоирларга насиб қиладиган ҳодисалар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан Ўрмонали Қурбоналиевнинг ғазалнавислик борасидаги маҳорат сирлари ҳам алоҳида илмӣй кузатишлар учун мавзу бўлишга арзигулик ижод намуналари эканлигини эътироф этиш лозим.

Мустақиллик даврида, аниқроғи, бундан 9 йил олдин (2017 – 2018) яратилган “Имом ал Бухорий” достони шоир ижодий камолотида алоҳида ўринга эга. Мазкур дoston Ўзбекистон Республикасининг афсонавий Президенти Шавкат Мирзиёевга бағишлангани билан аҳамиятли. 1585 байт, 3170 мисрадан иборат бўлган дostonда донишманд аллома Имом Исмоил Бухорий ҳаёти ва ижодий фаолияти маснавий жанрида ёзилган бўлиб, у муҳим адабий-эстетик қимматга эга. Муаллиф дostonни яратишда Имом Бухорий ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишган. Тарихий манбаларни бирма-бир кўздан кечириб, муҳаддис олим томонидан тўпланган саҳиҳ ҳадисларни пухта ўрганишга алоҳида эътибор қаратгани дoston матнидан кўриниб турибди. Муаллиф мавзунӣ ёритишда тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш билан бирга давр руҳини кўрсатишда арабча ҳамда форсчи сўз ва ибораларни қўллаши, Қуръон оятлари ҳамда ҳадислардан олинган иқтибос ва ишораларнинг ҳар бири матн остида изоҳлаб борилган. Бу эса дostonнинг бадий жиҳатдан янада мукамал бўлишига хизмат қилган.

Салмоқли ҳажмга эга бўлган дostonнинг деярли ҳар бир мисра ва байтларидаги *талмеҳ, таиҳис, ирсоли масал, тарсеъ, таиҳис, нидо, тарди акс, фахрия, таъбир, такрир, тазод, тамсил* каби тасвирий воситалар шоир бадий маҳоратидан дарак беради. Айниқса, дostonда фаол қўлланган санъатлардан бири *ирсоли масал*дир. Ирсоли масал Шарқ шеърлятидаги энг кўп қўлланилган санъатлардан сирасига киради. Бунда шоир у ёки бу фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун кўпинча ўз шеърлярида халқ мақол ва маталларига, машҳур ҳикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қиладилар. Бу илми бадеъда ирсоли масал санъати номи билан машҳур бўлган [Очилов, 2011: 229]. Буни “Имом ал Бухорий” дostonда қуйидаги мисолларда янада аниқроқ кузатиш мумкин: “Ҳар ерни қилсанг орзу, бордир тарози”, “Хўроз бир хил кичқиради...”, “Меҳмон кирган эшикдан, ризқи ёғилди кўкдан”, “Ёмондан қолур мотам..”, “Игна билан қудуқ қазиб...”, “Ҳаракатда бордур баракат”, “Тили билан дили бир..” каби халқ мақоллари шеърлий вазн талабига кўра турли хил кўринишда ифода этилган. Дoston матнидаги қуйидаги тасвирда эса *таиҳис* бадий санъати шеърхоннинг фикрий ҳайратига солиши аниқ:

Тераклар эгдилар бош,
Кўкда йиғлади куёш,
Майсалар маст тебранди,
Лолалар ўтда ёнди,
Жилғалар зор йиғлади,
Зарафшон изиллади,
Гирдоблари кўпирди...

Шоир лирик жанрдаги кичик шеърляридан дostonларигача шеърлий компонентлардан маҳорат билан фойдаланган. Айниқса, қофия борасида мукамалликка эришган бўлиб, Навоий сўзлари билан айтганда бутун бошли дostonда қофия бобида “айибғинаси” кўзга ташланмайди. Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг “Фунун ул балоға” асарида “Шеърнинг асли қофия”, деган фикрни билдирган. Шу нуқтаи назардан шоирнинг юқордаги дostonидаги ҳар бир байт ўзаро қофияланиш тартибига эга бўлиб, мисраларнинг жарангдор ҳамда таъсирчан бўлишида қофиядош сўзлар муҳим поэтик вазифани бажарган. Буни қуйидаги масолларда кузатиш мумкин:

Асранг ўғлим **Аҳмадни**,
Айниқса, **Муҳаммадни**. [Қурбоналиев, 2024: 51].

Отадан ёш **айрилди**,

Бир қаноти қайрилди...

Ўн минг ҳадис ёд олди,
Элни ҳайратга солди...

Мен ҳадисни танладим,

Пайғамбарни англадим... [Қурбоналиев, 2024: 90-91].

Ўрмонали Қурбоналиев талабалик йилларида тенгқурлари қаторида шеърятнинг том маънодаги мухлиси ҳамда муҳибига айланди. Шу ўринда у таҳсил олган муқаддас даргоҳ кўплаб шоир ва ёзувчилар, олимлар ва таниқли инсонлар камолоти учун маърифат бешиги бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугун Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилиб келаётган ижодкорларнинг катта қисми айнан шу олий масканида таълим олганлик-лари билан фахрланиб юришади.

Одатда тоғлар бағридан бошланган катта-качик ирмоқлар ҳамиша улкан дарёларга интилгани каби Тошкент адабий муҳитига интилиб, шу муқаддас шаҳарда кўним топиб, катта ижод майдонида ўз сўзларини айтиш саодатига эришган Асқар Маҳкам, Одил Икром, Шойим Бўтаев, Исмат Худоёр, Алишер Нарзулло каби таниқли ватандош ижодкорлар ҳам бир пайтлар Хўжанддаги илм даргоҳининг собиқ талабалари бўлганликларидан қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Юқорида Ватан ҳақида гап бошлаган эдик. Агар суюкли адибимиз Ойбек Ватанни “Бир ўлкаким, тупроғида олтин гуллайди...”, - деб таърифлаган бўлса, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон уни чиройли “ёш келин”га қиёс этган эди. Болалик хотираларимизда муҳрланиб қолган мазкур шеърлар қаторида Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф каби кўплаб шоирларининг шеърларида ҳам Ватан қудрати, унинг улуғворлиги тараннум этилганига гувоҳи бўлиш мумкин. Забардаст ижодкорларнинг яратган ўлмас асарлари бир томондан китобхонга бир олам завқ берган бўлса, яна бир томондан эса ижодкорлар учун эса илҳом манбаи бўлиб келган.

Устоз шоирлар “панжасига панжа уриш”дек масъулиятли юмушга журъат этган Ўрмонали Қурбоналиев уларнинг ижодидан илҳом ва завқ олганлигини унинг “Ўзбекистон” шеъри мисолида кузатиш мақсадга мувофиқ. 130 мисрадан иборат мухташам бу шеърий қасида бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 2016 йилда ёзилган эди. Ушбу шеърий манзумани Истиқлол даврининг энг яхши

қасидаларидан бири десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Шоир ушбу шеърни ёзишда Абдулла Орипов ижодидан таъсирлангани, шеър оҳангидан сезилиб туради. Унда қасида жанрига хос бўлган кўтаринкиликни, турли жабҳаларда Ватан ва унинг шарафли фарзандлари қўлга киритган ютуқларидан ифтихор туйғуларининг таралганини, ҳар битта зафарли, шарафли ҳамда фараҳли лаҳзалар тантанали бир оҳангда бадииятга муҳрлангани билан шеърхон учун кадрлидир. Шоир янги тимсолу ташбеҳларни, қатор тасвирий воситаларни мисралар қатига маҳорат билан жойлаб, янги фикрлар айтишга ҳаракат қилган. Бу ҳар бир банд сўнигидаги мисраларда янада аниқроқ кўзга ташланиб туради: “Тупроғи зар гўзал бўстони, Зар кокилли Ўзбекистоним. // Фотиҳни фатҳ этган полвоним, Мангубердим, Ўзбекистоним. // Тўмарисни тукқан маконим, Онажоним, Ўзбекистоним. // Сен “Авесто” шарафим, шоним, Қутлуғқадам Ўзбекистоним.// Кўкда қуёш қўмсар осмоним, Жаннатмонанд Ўзбекистоним. // Сен олимсан, даҳосан, шоним, Донишмандим, Ўзбекистоним. // Сен амирим, соҳибқироним, Енгилмасим, Ўзбекистоним. // Сен шоирим, назмулсултоним, Булбулистон Ўзбекистоним. // Олти қитъа суйган рўмоним, Қодирийим Ўзбекистоним. // Нон юртисан, нажот маконим, Етимпарвар Ўзбекистоним. // Асакаю Шўртаним коним, Донг таратдинг Ўзбекистоним. // Ўз автоматбор, шарафим-шоним, Учқуротли Ўзбекистоним.” -каби бир-биридан гўзал , сифатлашларга бой бўлган қуйма мисралар пайдар-пай такрорланиб, қасидага ўзига хос тантанаворлик ҳамда таъсирчанлик бахш этган. Ва ниҳоят, Истиқлол даври қасидаси шундай мисралар билан якунланган:

Онажоним, мадҳинг битурга
Мендайларнинг миллионтаси кам.

Лекин бугун сенинг тўйингга,
Ҳисса қўшгим келяпти, ўлкам!

Йигирма беш асрларга тенг
Зафарларинг муборак бўлсин.

Ўзлигидан фахр этар халқнинг
Хонадони гулларга тўлсин!

Боқий бўлғай Шавкатинг, шонинг,

Қадрдоним, Ўзбекистоним! [Қурбоналиев, 2026: 90].

Қасидада шоир маҳоратининг яна бир ўзига хос қирраси намоён бўлган. Янги образ, ташбеҳ ва талмеҳлардан иборат бўлган бадиий мукаммал *мухташам қасида қўрғони* қад ростлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шоирнинг “Ўзбекистон“ шеърида ҳам шоирнинг эл манфаатини биринчи ўринга қўйгани,



китобхонга жўшқин рух ва хуш кайфият бағишлашга интильганига гувоҳ бўламиз.

Юқоридаги шеърда диққатга лойиқ нуқталардан бирига, яъни муаллифнинг Амир Темур тимсолини тасвирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратганидир. Маълумки, Шўролар мафқураси қиличини яланғочланиб турган пайтда Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида Соҳибқирон тимсолини зукколик билан “оқсоқ жаҳонгир”, -дея тасвир майдонига олиб кирган эди. Ўрмонали Қурбоналиев эса, мустақиллик даврининг эркин ижодкори сифатида “Сен амирим, соҳибқироним, Енгилмасим, Ўзбек-истоним”, - деган мисраларида Амир Темур тимсолини фахру ифтохор билан тасвирлашга эриша олган. Ушбу янги истиорали мисраларида Соҳибқиронга, Ватанга, қолаверса, яшаб турган вақту замонга шукроналик туйғуларини ёрқин акс этгани билан бадиий қиммат касб этган.

Шоирнинг “Ассалом, Навоий!” шеъри ҳам китобхонлар эътиборини ўзига қарата оладиган шеърларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Аслида Навоий ҳақида шу кунгача кўп ва хўб асарлар яратилган. Ҳар бир ижодкор мутафаккир шоир сиймосини мукаммал тасвирлаш учун кўлига қалам олган. Ўрмонали Қурбоналиевнинг шеъри ҳам китобхонга бадиий-эстетик завқ бериш билан бирга, унинг дунёқарашини қимматли маълумотлар ва янги илмий-бадиий тушунчалар билан бойита олади. Шоир бу шеърда ҳам шунчаки курук даъватлар, ортиқча қайтариқларга зўр бермайди, зўрма-зўраки мақтовларга киришмасдан мутафаккир шоирнинг дostonлари ҳамда тимсоллари номларини худди ипга тизилган маржондек мисраларга тизиб чиқади. Ўқувчига муҳим ва керакли бўлган маълумотларни такдим этиш билан бирга “Хамса” дostonларидаги ҳар бир образнинг моҳиятини яхшироқ англаштиш учун нозик ишоралар қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин. Буни биргина “Фарҳод ва Ширин” дostonида номлари бирма-бир санаб ўтилган ўнта турли касб-ҳунарларни мукаммал даражада эгаллаган қизларга муаллиф томондан берилган тавсифлар орқали уларнинг сурат ва сийратлари очиб берилган. Бу ерда поэтик маъно ва мазмуннинг уйғунлиги шеърхонга завқ ва шавқ улашганини таъкидлаш лозим. Шоир ушбу шеърни шундай гўзал мисралар билан якунлайди:

Мутафаккирим Сиз, авлиём ҳам Сиз,
Сизни суяр элнинг қариси, ёши.
Ассалом, Навоий, ассалом, Устоз,
Туркий шеърятнинг сўнмас кўёши!



Алишер Навоий шахсига ва ижодига ўз давридаёқ юксак баҳолар берилгани манбалардан маълум. Ўтган XX асрда файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг “ғазал мулкининг султони” деган эпитети шу кунгача ўз қимматини йўқотмасдан келмоқда. Истиқлол даврида Ўрмонали Қурбоналиев назмида “Туркий шеъриятнинг сўнмас қуёши!” тарзидаги янги эпитет ҳам Навоий мухлислари учун яна бир ўзига хос ҳаётий ташбеҳлардан бир бўлди дейиш мумкин.

Шоирнинг “Ассалом, Навоий!” шеъридаги бу анъана “Шоир Эркин Воҳидовга” бағишланган шеърида ҳам бевосита давом этганлигини кузатиш мумкин. Шеър матнига Қахрамон шоир асарларининг номлари маҳорат билан нақши нигор топганлиги билан ўзига хос бадиий манзара юзага келган.

Шоирнинг маҳорат билан яратган тўртликлари ҳам бўлиб, улар ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Маълумки, шеъриятда фарддан бошлаб рубоийгача бўлган кичик мумтоз жанрларнинг ҳар бири катта имкониятларга эга. Ҳажман кичик бўлган жанрларда ҳам салмоқли фикрларни айта олиш салоҳияти ҳамма шоирларга ҳам насиб этавермайди. Ўрмонали Қурбоналиев бу борада ҳам омадли ижодкорлар қаторида эканлиги маълум бўлади. Унинг куйидаги тўртликлари фикримизни қувватлайди:

Саховатдан Ҳотам кўнгли тўлмайди,
Бахилнинг боғи барқ уриб кулмайди.
Иғво, ҳасад билан кирланган ифлос,
Ҳаммомдан чиқса ҳам тоза бўлмайди.

Тўртликдаги фикр беихтиёр Навоийнинг тарбиявий характердаги пандларини эсга солади. Тўртликнинг биринчи мисрасидаги “Саховатдан Ҳотам кўнгли тўлмайди” жумласини англаш учун саховатда тенгсиз бўлган Ҳотамнинг ҳиммат бобида ўтинчи чолни ўзидан устун эканлигига иқдор бўлгани ҳақидаги ҳикоятдан хабардор бўлиш керак. Навоий ўтинчи чол тимсолида муҳим тасаввуфий ҳақиқатни асар мазмунига сингдириб юборади. Яъни ҳаётда бировга бирор нарса бермай туриб ҳам саховатли бўлиш мумкин ёки бошқалардан бирор нарса олмасдан ёки улардан ниманидир олиш илинжида бўлмасдан, ўз меҳнати билан топганига қаноат қилиб яшаш ҳам ҳақиқий ҳотамтойлик эканлиги ғоясини илгари сурган. Шу жиҳатдан саховатдан кўнгли тўлмаган Ҳотамнинг ҳолати шеърхонга маълум бўлади. Ў. Қурбоналиев бу ерда талмеҳ бадиий санъатига хос бўлган нозик ишоралари шоир шеърларининг илдизлари мумтоз адабиёт деб аталган ҳаётбахш чашмадан қониб-қониб сув ичганлиги маълум бўлади.

Шоирнинг яна шундай тарбиявий руҳдаги бошқа тўртликлари ҳам бўлиб, улар ўқувчиларни эзгулик сари ундайдиган ҳикматлар дейиш мумкин:

Иблис иблислигин қиларкан аён,
Ҳақнинг ҳақлигига келтирдим имон.
Фитнаю тухматдан обрў топганлар,
Ўзи ёққан ўтда ёнди беомон.

Ёки Оллоҳ суйган бандасига, албатта, назар қилиши, суймаган бандаси-дан эса Оллоҳ ҳазар қилиши ҳақидаги шоирнинг ҳақиқати куйидаги мисралардаги бадий талқини ҳам эътиборга лойиқ:

Худо суйганига назар қилади,
Аслинг ким демайди сарвар қилади.
Суймаган бандаси ҳар жойда хордир,
Ундан икки дунё ҳазар қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, шоирнинг панднома руҳи билан суғорилган асарлари ҳар бир даври замон учун сув ва ҳаводек зарурдир. Айниқса, бу пандномалар катта ёшдагилар қаторида ўсиб келаётган бугунги ёш авлодни соғлом эътиқодли, ахлоқан баркамол шахс сифатида камолга етишларида муҳим манбалар қаторида хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шоирнинг “Қудуқ” номли саккиз мисрали шеър ҳам эътиборимизни тортади. Қудуқ дейилганда, дастлаб ҳасад ҳамда бахиллик туфайли чоҳга ташланган ҳазрати Юсуф кўз ўнгимизда намоён бўлади. Аслида қудуқ ҳам инсоният томонидан яратилган ибтидоий мўъжизалардан бўлиб, халқимиз-нинг ҳаётбахш топилмаларидан ва ихтироларидан бири саналади. Шоир сўзлари билан айтганда, қудуқ “тоғлар чўққисидан, осмон абридан томчи-томчи қилиб йиққан” сувлари билан инсон зотини ҳозирга қадар сийлаб келади. Бу тасвирлар шеърда айтилиши лозим бўлган асосий фикрнинг шунчаки муқаддимаси ҳисобланади. Асосий фикрни шоир шеърнинг куйидаги сўнгги мисраларида ифодалайди:

Гердайганни эмас, сал энгашганча
Челак узатганни сийлайди қудуқ.

Шоир назарда тутган мақсад охирги икки мисрада айтиб қўйилган. Инсон зотининг бир қатор фазилатлари билан бирга унинг ботинида кибр дея аталмиш иллат ҳам бўлиб, у инсонга шайтондан мерос бўлиб қолган. Шу иллат туфайли шайтон жаннатдан қувилгани ҳамда жаҳаннамга абадул - абад маҳкум этилгани ҳақида диний адабиётларда маълумотлар мавжуд. Шеърда зикр этилган инсонга хос бўлган гердайиш ҳам аслида ўша кибрнинг ўзгача зоҳирий кўринишидир. Шоир шу ўринда манманлик ва камтарлик ҳақида узундан-узоқ насихат қилиб ўтирмайди. Фикрни ҳаётий тимсоллар ёрдамида икки мисрада образли қилиб



шеърхонга тақдим этиб қўя қолади. Демак, биз билган зилол сувлари билан чанқоғимизни қондирган кудуқ гердайган кишиларни эмас, балки сал энгашганча челақ узатган кимсани сийлашига ишонч ҳосил қиламиз. Бунда шоир мақсадини аниқ ҳамда лўнда қилиб, образли тарзда кўрсата олишида қўл келган ташхис бадий санъатининг муҳим хизмати кўриниб турибди. Тўпламда шаклан ихчам, гўзал ахлоқий фикрларни ўзида жамулжам этган бошқа тўртликлар ҳам ҳам ёш авлодни тарбиялашга қодир бўлган ижод намуналари сирасига киради.

Умуман олганда, Ўрмонали Қурбоналиевнинг ҳар бир шеъри хусусида алоҳида-алоҳида мулоҳаза юритиш мумкин. Айниқса, шоир томонидан маҳорат билан қўлланган *ташбеҳ, тажнис, таших, такрор, нидо, тардиакс, истиора, талмеҳ, интоқ, тавзе* каби ўнлаб маънавий ва лафзий санъатларнинг ҳар бири зукко шеърхонга эстетик завқ ҳада этиши аниқ. Шоир ашъорларига синчиклаб назар ташланса кўпгина шеърларининг ҳар бир мисраларида шеърий санъатлар қўлланганига ҳам гувоҳ бўламиз. Унинг шундай шеърлари борки, бир шеърий санъат биргина шеърда бошдан охир маҳорат билан қўлланган. Буни “Булут нега йиғлайди?” шеъри мисолида кузатиш мумкин. Ундаги *таших* бадий санъати шеърнинг деярли ҳар бир мисрасида мавжуд бўлиб, шеър мазмунига ўзгача жозибадорлик бахш этган. Буларнинг ҳаммаси шеърий матнларнинг бадий жиҳатдан янада мукамал ҳамда таъсрчан бўлишига хизмат қилган. Ўрмонали Қурбоналиевнинг шаклан гўзал, мазмунан теран шеърляти бўйича янгича мазмунга эга бўлган таҳлил ва талқинлардан иборат илмий хулосаларни билдириш навбатдаги муҳим ишларимиздан биридир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. (Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). - Тошкент: “Ўзбекистон“, 2014. - 320 б.
2. Очилов Э. Ирсоли масал санъати // Бир ҳовуч дур. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. - 232 б.
3. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: «Ёзувчи», 2001. -71 б.
4. Улуғбек ҲАМДАМ. Ўзбек ва жаҳон адабиётига чизгилар. Монография, илмий мақолалар, эссе – тақризлар ва маърузалар. -Тошкент: “QAMAR MEDIA”, 2026. -708 б.
5. Файзуллоев Б., Сатторов Ў. Шоир шеърларининг сурат ва сийрати (Ўрмонали Қурбоналиев ҳаёти ва ижодига қисқача чизгилар) // “Халқ овози”, № 8 (20478) 2026 йил, 19 феврал.
6. Файзуллоев Б., Сатторов Ў. ”Не назмки, ўтлуғ кўнгулдин чиқордим...”// “Суғд Ҳақиқати”,№ 20 (3292) 2026 йил, 11 март.
7. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб, (Ҳамидулла Болтабоев талқинида). – Тошкент: ”ЎМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2008. - 426 бет.

“FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI”

respublika ilmiy-amaliy konferensiya



8. Қорихонов С. Панжара ортида битилган хатлар. (Сўзбоши ўрнида) // Қурбоналиев Ў. Шукрона. Шеърлар, ғазаллар, дoston ва мактублар. Нашрга тайёрловчи Одил ИКРОМ. – Тошкент: “КИТОБ НАШР”, 2024, 3 – 10 б.
9. Қурбоналиев Ў. Шукрона. Шеърлар, ғазаллар, дoston ва мактублар. Нашрга тайёрловчи Одил ИКРОМ. – Тошкент: “КИТОБ НАШР”, 2024. - 160 б.
10. Қурбоналиев Ў. Тўрғай нега Бўзтўрғай? Дoston ва шеърлар. Нашрга тайёрловчи Одил ИКРОМ. – Тошкент: “КИТОБ НАШР”, 2024. - 160 б.
11. Ҳаққулов И. Анъана ва маҳорат // Навоий ва ижод сабоқлари. -Тошкент: Фан, 1981. - 95 б.

